

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

# FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

## Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир  
Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)  
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)  
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)  
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Турция)  
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR (Япония)  
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)  
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)  
КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)  
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)  
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)  
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)  
ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)  
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

## Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)  
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)  
ҮРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)  
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)  
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)  
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)  
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)  
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)  
ДАДАЕВ С. (Ўзбекистон)  
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)  
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)  
ИСАФАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)  
ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)  
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)  
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)  
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)  
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)  
ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)  
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)  
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)  
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)  
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)  
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)  
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)  
ҮРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)  
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)  
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)  
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)  
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)  
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)  
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)  
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)  
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)  
ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

**Муҳаррирлар:**  
Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.  
Шералиева Ж.

**Таҳририят манзили:**  
150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар қўчаси, 19-үй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: [www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)

Босишга руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар қўчаси, 19-үй.

Фарғона,  
2021.

## Аниқ ва табиий фанлар

## МАТЕМАТИКА

**М.Исмоилов, З.Кўпайсинова**

Параболо-гиперболик типдаги модел тенглама учун нолокал масалалар ..... 6

## БИОЛОГИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

**Ж.Абдурахмонов, Х.Муйдинов, М.Рахимов**

Индивидларнинг умр қўриш давомийлиги ҳақида ..... 11

**В.Исаков, У.Мирзаев, М.Юсупова**

Фаргона водийси қумли даҳалар тупроқлари ..... 14

**А.Махсумов, Б.Исмаилов**

1-фенил азонафтот-2 пропаргил эфири ва унинг ҳосилаларининг олиниши ..... 20

## КИМЁ

**Х.Юлдашев, Ю.Мансуров**

Оксид катализаторларда ис газининг оксидланиши ..... 24

**С.Хушвақтов, Ю.Файзуллаев, М.Жўраев, Д.Бекчанов, М.Мухамедиев**

Пластикат поливинилхлорид асосидаги янги поликомплексоннинг ғоваклик даражаси ва сорбцион хоссалари ..... 29

## Ижтимоий-туманитар фанлар

## ИҚТИСОДИЁТ

**И.Носиров**

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида табиий бойликлардан фойдаланишда экологик менежментнинг назарий ва методологик асослари ..... 33

**С.Хусанбоев**

Туризм соҳасини ривожлантиришнинг айрим масалалари ..... 40

## ФАЛСАФА, СИЁСАТ

**Ў.Аҳмедова**

Таълимнинг ижтимоийлашуvida маънавий тарбия масаласи ..... 44

## ТАРИХ

**О.Маҳмудов**

Ўрта аср Испания таржима марказларида лотин тилига ўғирилган асарлар ..... 47

**С.Юлдашев**

Фаргона сомоний волийлар бошқаруви даврида ..... 53

**А.Атаходжаев**

Илк ўрта асрларда Марказий Осиёдаги этнослараро маънавий маданиятнинг ўзаро таъсири ..... 61

**И.Гуломов**

1939 йилда Ўзбекистон ССРда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирига доир ..... 67

**А.Алоҳунов**

Бронза ва илк темир даври чорвадорлари ишлаб чиқариш хўжалигига доир айрим мулоҳазалар ..... 73

**В.Абиров**

Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи муаммосининг антропологик тадқиқотларда акс этиши ..... 77

**Ш.Холикулов**

Россия империяси суд-хуқуқ органлари тизимида нотариал идоралар фаолияти ..... 84

**Ш.Усанов**

Янги Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлаш сиёсатининг замонавий хусусиятлари ..... 89

ТАЪЛИМНИНГ ИЖТИМОИЙЛАШУВИДА МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАСИ

ВОПРОС ДУХОВНОГО ВОСПИТАНИЯ В СОЦИАЛИЗАЦИИ ОБРАЗОВАНИЯ

THE ISSUE OF SPIRITUAL EDUCATION IN THE SOCIALIZATION OF EDUCATION

Аҳмедова Ўғилхон Намозовна<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Аҳмедова Ўғилхон Намозовна

- Фарғона вилоят ҳалқ таълими ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ҳудудий маркази ўқитувчиси.

**Аннотация**

Таълим ҳар бир шахсни жамиятда қадрият, маънавий маданият вакили тимсоли эканлигини ижтимоий мақсадининг илмий аҳамияти очиб берилган. Бу жараённинг яна бир ўзига хос ҳусусияти шундан иборатки, таълимнинг ҳар бир авлод вакилларининг маънавий юксалишини таъминлаш ижтимоийлашув жиҳатидан ўрганилган. Жамият тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган маънавий тарбия масаласи илмий асосланган.

**Аннотация**

Раскрывается научная значимость социальной цели образования, состоящая в том, что каждый человек является представителем ценностей, духовной культуры в обществе. Другой отличительной чертой этого процесса является то, что образование изучается с точки зрения социализации, чтобы обеспечить духовный рост каждого поколения. Проблема духовного воспитания, важная для развития общества, имеет научную основу.

**Annotation**

The scientific significance of the social purpose of education is revealed, that every person is a representative of the value, spiritual culture in society. Another distinctive feature of this process is that education has been studied in terms of socialization to ensure the spiritual growth of each generation. The issue of spiritual education, which is important for the development of society, is scientifically based.

**Таянч сўз ва иборалар:** таълим-тарбия, маънавий тарбия, таълимнинг ижтимоийлашуви, касбий ижтимоийлашув, кадрлар, илм-фан, жамият.

**Ключевые слова и выражения:** образование и воспитание, духовное воспитание, социализация образования, профессиональная социализация, кадры, наука, общество.

**Key words and expressions:** education, spiritual education, socialization of education, professional socialization, personnel, science, society.

Жаҳонда маънавий ва ижтимоий-ривожланишнинг муҳим факторларидан бири малакали кадрлар тайёрлашнинг инновацион фаолиятини йўлга қўйиш ҳисобланади. Янги аср бошидаги ривожланиш фан ва техника соҳасидаги янги ютуқлар бевосита инсон омилига боғлиқ бўлган жараён сифатида муҳимдир. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики, тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи омилларидан бири юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимининг психологоик ва маънавий характеристини шакллантиришидир. Бу жараённинг муҳим элементи малакали кадрларнинг инновацион йўналишдаги фикрларини инсоният тараққиётининг барча жабҳаларида ўз вақтида қўллаш натижасида давлат, жамият ва шахснинг фаол ва

самарали тараққиёти учун янги имкониятларни юзага келтирмоқда. Жамият жадал ривожланиши жараёнида таълимнинг ижтимоийлашви зарурӣ эҳтиёж даражасини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Янги ривожланиш стратегиясида меҳнат бозори мутаносиблигини ривожланишини таъминлаш, ишчи кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтоҷ шахсларни касбга тайёрлаш тизимини кенгайтириш вазифалари белгиланган. Бинобарин, биз энди ақлнимизни, интеллектуал салоҳиятимизни, билим ва тажрибамизни оширишимиз, айнан ана шу омилларни иқтисодий ўсиш нуқталари ва ресурс манбаларига айлантиришимиз шарт[1.]. Шу асосда Республикаизда амалга оширилаётган кенг

## ФАЛСАФА-СИЁСАТ

кўламли ислоҳотлар нафақат иқтисодиётда, балки ижтимоий юксалиш кузатилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунида таълимтарбияга қўйидагича таъриф берилган, “тарбия — аниқ мақсадли ҳамда ижтимоий-тариҳий тажриба асосида ёш авлодни ҳар томонлама камол топтиришга, уларнинг онгини, маънавий-ахлоқий қадриятлар ва дунёқарашини шакллантиришга қаратилган тизимли жараён”, таълим — таълим олувчиларга чукур назарий билим, малакалар ва амалий кўникмалар беришга, шунингдек уларнинг умумтаълим ва касбий билим, малака ҳамда кўникмаларини шакллантиришга, қобилиятини ривожлантиришга қаратилган тизимли жараён, дейилади. Бу эса, таълимтарбиянинг ижтимоийлашувининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Чунки, бу жамиятни аниқ контексда амалга оширилиши керак бўлган ўзгаришларга сабаб бўлади. Таълимнинг ижтимоийлашуви учун воқелиқдаги жараёнларни тушуниш ва янги воқелиқдаги хатти-ҳаракатларнинг ягона стратегиясини белгилаб беради. Д.Бегматова ўз тадқиқотида ижтимоийлашувни касбий ва оиласвий шаклларини ўрганади. Жумладан, “касбий ижтимоийлашув (лот. *socialis* – ижтимоий) – шахснинг касбий шаклланиши жараёнини таъминлаш демакдир. Касбий ижтимоийлашув ижтимоий, фалсафий ҳамда психолого-педагогик категориядир. Касбий ижтимоийлашувни таъминлаш шахснинг касбий маънавий-ахлоқий сифатларини юзага келтириш шарт-шароитларини таъминлаш бўлиб, унинг таъминланиши мақсадли ва самарали ташкил этилган таълим-тарбия шартшароити ва жараёнида олиб борилади. Шахс ижтимоийлашуви қандай ижтимоий муҳит ва керакли касбга эга бўлиш шахс маънавий-ахлоқий камолоти, дунёқараши, ўз ижобий хусусиятларини жамлаб, жамиятда ўз касбий билим ва малакаларини амалий ишлата олиш, шунингдек ижтимоий-тариҳий жараёнларга бўлган фаол, креатив муносабат каби хусусиятларни англатади. Бугунги кунда ижтимоий тарбиянинг бош мазмuni ижтимоий функционаллик, яъни инсоннинг ижтимоий фаол бўлиб, ўз қадриятлари тизимини бутун жамият миқёсида муҳофаза қила олишига

тайёрлашдир[3.11], деб таъкидлайди. Бундан маълумки, таълимнинг ижтимоий жараёни маънавий-ахлоқий жиҳатлари билан аҳамиятлидир. Бугунги кунда замонавий жамият кўп қиррали ва хилмажилдир. Сўнги даврда замонавий жамиятда қарашлар тубдан ўзгармоқда. Бунда ижтимоий қарашларнинг беқарорлиги, келажакнинг аниқ йўналиши белгилашда таълимнинг ижтимоийлашуви қадрият сифатидаги асосий ролни бажаради. Ижтимоий-маданий ўзгарувчанлик, жамиятдаги плюрализм ва маънавий ҳаётнинг ривожланиш босқичини юқори даражага олиб чиқади.

Ўзбекистон “Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари” тамойили асосида тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди. Янги давр шиддати таълим-тарбия тизимига ҳам ўзининг аниқ, қатъий талабларини қўймоқда.

Ушбу талаблар доирасида таълим соҳасида педагогларнинг моддий-маънавий шароити тубдан яхшиланиб, таълим сифатини оширишнинг замонавий технологиялари жорий қилинмоқда.

Тарбия ва таълимни бир-биридан алоҳида ажратиб бўлмайди, бу икки жараён ўзаро уйғун, узлуксиз асосда ташкил этилгандагина одобли, ахлоқий фазилатларга эга, юксак маънавиятли, шу билан бирга билимдон, зукко, руҳан ва жисмонан соғлом, кенг дунёқарашиб тафаккурга эга, замонавий касб-хунар эгаси бўлган ватанпарвар ўшларни етиштириб беради [4]. Бу эса, моҳияти янги сифат ва форматда инсон ресурсларини ривожлантириш, ўшларда ички ва ташқи меҳнат бозори талаб қилаётган амалий квалификацияларни шакллантириш, уларнинг Ватанга муҳаббатини, халқига садоқатини юксалтириш назарда тутилмоқда. Маънавий тизимни таълим жараёни билан уйғунлиги худудлар ва соҳалар кесимида иқтисодий тараққиётга муносиб ҳисса қўша оладиган ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш, ўшларни малакали меҳнат орқали ўз ҳаёт фаровонлигини таъминлашга ўргатиш, ўз меҳнат фаолиятига инновацион ва креатив ёндашиш, яратувчанлик, интеллектуал, маданий, маънавий потенциални ривожлантириш каби компетенцияларни шакллантириш каби ижтимоийлашув

жараёнларини вужудга келтиради. Жамиятдаги энг катта муаммо сифатидаги масала камбағалликка қарши кураш доирасида, аввало, кам таъминланган оилалар фарзандларида тадбиркорликка, бизнесга, пировард натижада даромад олишга йўналтирувчи билим, малака ва кўнилмаларини ижтимоийлашув жараёнларини ижобий шакллантирилади. Ушбу жараённинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, биринчидан, ёшларнинг маънавий ва ахлоқий камолотида устувор таъсирга эгалиги, иккинчидан, жамиятнинг янги тараққиёт босқичида, яъни унинг барқарор ривожланиши малакали кадрлар фаолиятига боғлиқлиги билан муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади. “Чунки жамиятимизда олий маълумотга эга, юксак малакали мутахассислар қанча кўп бўлса, ривожланиш шунча тез ва самарали бўлади. Олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятни янада ошириш, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш – энг муҳим масалалардан биридир”[5].

### Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири саволларига жавоблари. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. № 165 (421), 2021 йил 17 август.
2. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон
3. Бегматова Д.М. Оиласда ёшларнинг касбий ижтимоийлашувини таъминлашнинг педагогик шарт-шароитлари. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Самарқанд. 2019.
4. [www.lex.uz](http://www.lex.uz). Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси . 2020 йил 3 январь.
5. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. <https://president.uz/uz/lists/view/2228>.

(Тақризчи: M.Маматов – фалсафа фанлари доктори (DSc)).